

А Ж Р И М

(Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақида)

2025 йил март ойининг 27 куни жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман суди, Учкўприк тумани “Муסיқа ва санъат мактаби” биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси Н.Раимкулов, судья ёрдамчиси Х.Рахмоновнинг котиблигида, Учкўприк туман прокурори ёрдамчиси Ф.Темиров, гумон қилинувчи Ш.Сайдалиев ва унинг ҳимоячиси А.Эгамов иштирокида, жабрланувчи Г.Сайдалиеванинг қатнашувида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан гумон қилинган Сайдалиев Шавкатжон Уринбоевичга оид 1-1518-2501/87-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра,

Сайдалиев Шавкатжон Уринбоевич (Saydaliyev Shavkatjon Urinboevich), 1984 йил 10 апрель куни Учкўприк туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, ишламайди, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Учкўприк тумани, Янгиер МФЙ, Суюнчол қишлоғи, Оққўрғон кўчаси, 9-уйда яшайди, ярашув қарори нусхаси 2025 йил 26 март куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинган.

Суд гумон қилинувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, кўрсатувларини тинглаб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафлар фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Гумон қилинувчи Ш.Сайдалиев 2025 йил 31 январь куни қонунга ҳилоф равишда ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, турмуш ўртоғи Г.Сайдалиевага билдирмасдан, унинг номига АТ “Халқ банки” томонидан расмийлаштирилган 9860 0825 9529 1053 рақамли пластик картасидан 3.710.000 сўм миқдорида пул маблағларини ўғирлик йўли билан ечиб олган.

Жабрланувчи Г.Сайдалиева судга ариза билан мурожаат этиб, ҳозирда Ш.Сайдалиев билан ихтиёрий равишда ярашиб олганини, моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қоплангани, Ш.Сайдалиевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга нисбатан ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганини билдириб, Ш.Сайдалиевга нисбатан юритилган жиноят ишини тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи Ш.Сайдалиев ариза билан мурожаат этиб, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ҳозирда жабрланувчи билан ихтиёрий равишда ярашиб олганини, моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаганини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганини билдириб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини тугатишни сўради.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Суд гумон қилинувчи, жабрланувчи томонидан тақдим қилинган аризаларни жиноят иши ҳужжатларига қўшиб ўрганиб чиқиб, уларнинг ярашуви ихтиёрий эканини, гумон қилинувчи ўз айбига тўла иқроор ва чин кўнгилдан пушаймон эканини, содир этган қилмишини оқибатини англаганини, зарарлар тўла қопланганини, уларга ярашув даврида ҳеч қандай тазйиқ ўтказилмаганини, гумон қилинувчи, жабрланувчи ярашувга рози эканликларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан Ш.Сайдалиевни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини унинг айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд, жабрланувчи Г.Сайдалиевага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишни тушунтирилганлигини қайд этишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84, 582-583, 585-586-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Сайдалиев Шавкатжон Уринбоевич Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, унга нисбатан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан тугатилсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб ўн кун ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргач, кассация тартибида протест билдириш ёки шикоят беришга ҳақли.

Раислик қилувчи

имзо

Н.Раимкулов

Нусхаси аслига тўғри

Н.Раимкулов

